

“Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖ ягона акциядорининг қарори
Баёни 1

Тошкент шаҳри

2020 йил 27 октябрь

“Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖнинг ягона акциядори ҳисобланган Давлат активларини бошқариш агенлигининг қарори Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 58-моддасига мувофиқ қабул қилинди.

КУН ТАРТИБИ:

1. “Навоий ЭИЗ дирекцияси” АЖнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якуни юзасидан бош директори ҳисоботини тасдиқлаш.
2. “Навоий ЭИЗ дирекцияси” АЖ кузатув кенгашининг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
3. “Навоий ЭИЗ дирекцияси” АЖнинг 2019 йил фаолияти якунлари бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлаш.
4. “Навоий ЭИЗ дирекцияси” АЖнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик ташкилотининг ҳисоботини кўриб чиқиш.
5. “Навоий ЭИЗ дирекцияси” АЖнинг 2019 йил учун йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботларини тасдиқлаш.
6. “Навоий ЭИЗ дирекцияси” АЖнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш, дивидендларни тўлаш шакли ва муддатларини белгилаш.
7. “Навоий ЭИЗ дирекцияси” АЖнинг янги таркибдаги кузатув кенгаши аъзоларини тасдиқлаш.
8. “Навоий ЭИЗ дирекцияси” АЖнинг янги таркибдаги тафтиш комиссияси аъзоларини тасдиқлаш.
9. “Навоий ЭИЗ дирекцияси” АЖ ижроия органи раҳбари (бош директори)нинг ваколатини узайтириш тўғрисида.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан:

“Навоий” ЭИЗ Дирекцияси” АЖнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якуни юзасидан жамият бош директори Х.Абдуллаевнинг ҳисоботи кўриб чиқилди (ҳисобот илова қилинади).

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан қуйидагича **қарор қабул қилинди:**

“Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якуни юзасидан жамият бош директори ҳисоботи 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:

“Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖ кузатув кенгашининг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича ҳисоботи кўриб чиқилди (ҳисобот илова қилинади).

Кузатув кенгаши йигилишлари кенгаш томонидан тасдиқланган кенгаш аъзоларининг 2019-2020 йилларда олиб бориладиган ишлари юзасидан белгиланган “Иш режаси” асосида ўтказилди.

Кузатув кенгаши йигилишларида жамият раисининг чорак натижалари бўйича молия-хўжалик ҳисоботлари, 2019 йил учун ишлаб чиқилган жамият бизнес-режаси

кўрсаткичларини бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлари, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботлари тингланган, ушбу ҳисоботлардан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилинган камчиликлар юзасидан корхонанинг молиявий аҳолини соғломлаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган, аниқ кўрсатмалар берилиб ва уларнинг бажарилиши бўйича доимий назорат қилиб борилган.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан қуйидагича **қарор қабул қилинди:**
“Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖ кузатув кенгашининг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича ҳисоботи 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан:

“Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖнинг 2019 йил фаолияти якунлари бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботи (ҳисобот илова қилинади) тақдим этилди (*мазкур ҳисобот кузатув кенгашининг 18.09.2020 йилдаги йиғилишида кўриб чиқилиб, кузатув кенгаши томонидан маъқулланган*). Ҳисоботда, тафтиш комиссияси аъзолари томонидан жамият фаолияти текширилганда бирон бир қонунбузилиш ёки ҳисобот бериш қоидаларининг бузилишлари аниқланмаганлиги қайд этилган.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан қуйидагича **қарор қабул қилинди:**
“Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖнинг 2019 йил фаолияти якунлари бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботи 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан:

Йиғилиш қатнашчиларига жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича жамият ташқи аудиторининг хулосаси таништирилди.

“Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖнинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича молиявий ҳисоботларини миллий аудит стандарти бўйича аудитдан ўтказиш “AGROTANLIL” МЧЖ (20.01.2020 йилдаги 00840-сонли лицензия, аудитори Ю.Шарипов 21.12.2013 йилдаги 05170-сонли сертификатга эга) аудиторлик ташкилоти томонидан амалга оширилган.

“AGROTANLIL” МЧЖ нинг 2020 йил 25 сентябрдаги 02/61-20-сонли хулосасига кўра, “Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖ томонидан 2019 йил давомида амалга оширилган барча молиявий операциялар Республикамизда белгиланган қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келиши кўрсатилган ҳамда ижобий хулоса берилган (хулоса илова қилинади, 4-илова).

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан қуйидагича **қарор қабул қилинди:**

“Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖнинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича молиявий ҳисоботларини миллий аудит стандарти бўйича аудит текширувидан ўтказган “AGROTANLIL” МЧЖ хулосаси 4 иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан:

“Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖнинг 2019 йил учун йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботлари кўриб чиқилди (ҳисобот илова қилинади). *Мазкур ҳисобот кузатув кенгашининг 18.09.2020 йилдаги йиғилишида маъқулланган.*

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан қуйидагича **қарор қабул қилинди:**

“Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖнинг 2019 йил учун йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан:

Шунга кўра, “Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш, дивидендларни тўлаш шакли ва муддатларини белгилаш кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.04.2020 йилдаги ПҚ-4679-сонли қарори ҳамда Инқирозга қарши курашиш республика комиссиясининг 12.05.2020 йилдаги 22-сонли йиғилиш баёнига асосан хўжалик жамиятларнинг 2019 йил якуни бўйича соф фойдасининг 85 фоизини дивидендга йўналтириш тўғрисида акциядорлар умумий йиғилиши (шитирокчилар умумий йиғилиши) қарорларини қабул қилиш ва давлат улуши бўйича дивидендларнинг бюджетга йўналтирилишини таъминлаш белгиланган.

“Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖ кузатув кенгаши томонидан (18.09.2020 йилдаги йиғилиш баённома) 2019 йил якуни бўйича олинган **5 571,5 минг сўм** миқдордаги соф фойдани қуйидагича тақсимлаш таклиф этилган:

- 4 735,8 минг сўм ёки 85 фоиз дивиденд тўловига йўналтириш;

- 278,6 минг сўм ёки 5 фоиз – захира фондига йўналтириш;

- 557,1 минг сўм ёки 10 фоиз – Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш

жамғармасига йўналтириш.

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан қуйидагича **қарор қабул қилинди:**

6.1. “Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖ томонидан 2019 йил якуни бўйича олинган **5 571,5 минг сўм** миқдордаги соф фойда қуйидагича тақсимлансин:

- 4 735,8 минг сўм ёки 85 фоиз дивиденд тўловига йўналтириш;

- 278,6 минг сўм ёки 5 фоиз – захира фондига йўналтириш;

- 557,1 минг сўм ёки 10 фоиз – Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш

жамғармасига йўналтирилсин.

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан:

Давлат активларни бошқариш агентлиги томонидан 2020 йил 29 июлдаги 3767/03-08-сонли хатига асосан жамият Кузатув кенгаши таркибига қуйидаги номзодлар таклиф этилган:

- | | |
|--------------------------------------|---|
| Махкамов Отабек
Мухаммаджонович | - Вазирлар Маҳкамаси бош мутахассиси |
| Рахматуллаев Хуршид
Хотамджанович | - Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Департамент директори |
| Астанов Зафар Муродиллаевич | - Молия вазирлиги бўлим бошлиғи |
| Маматов Одилжон Абдугапарович | - Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказини директори в.б |

Асроров Акбар Ахрорович

- Давлат активларини бшқариш агентлиги
Навоий вилояти худудий бошқармаси
бошлиғи ўринбосари

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан куйидагича **қарор қабул қилинди:**

“Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖ Кузатув кенгашига Махкамов Отабек Мухаммаджонович, Рахматуллаев Хуршид Хотамджанович, Астанов Зафар Муродиллаевич, Маматов Одилжон Абдугапарович ва Асроров Акбар Ахрорович сайлансин.

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан:

Давлат активларни бошқариш агентлиги томонидан 2020 йил 11 мартдаги 157/08-01-сонли хатига асосан жамият Тафтиш комиссияси таркибига куйидаги номзодлар таклиф этилди:

Турдиев Шавкат Эшбоевич - Давлат активларини бшқариш агентлиги
Навоий вилояти бошқармаси бош
мутахассиси

Расулов Жахонгир Эгамбердиевич - Давлат активларини бошқариш
агентлигининг бош мутухассиси

Қурбонов Жавлон удойбердиевич - Давлат активларини бошқариш агентлиги
Навоий вилояти бошқармаси етакчи
мутахассиси

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан куйидагича **қарор қабул қилинди:**

“Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖ Тафтиш комиссиясига Турдиев Шавкат Эшбоевич, Қурбонов Жавлон Худойбердиевич ва Расулов Жахонгир Эгамбердиевич сайлансин.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 79-моддаси ва жамият Устави талабларига асосан жамият бош директори акциядорлар умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланиши, бош директорни сайлаш чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида амалга оширилиши белгиланган.

“Навоий” ЭИЗ Дирекцияси” АЖнинг Бош директорлигига номзод масаласи қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (24.01.2020й 24/1-4700) билан келишилган ҳолда Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан 04.02.2020 йил 589/03-08-сонли хат билан номзодни тасдиқлаш жамият низомида белгиланган тартибда тегишли бошқарув органида кўриб чиқишлик белгиланган.

Кузатув кенгашининг 2020 йил 24 февралдаги 6-сонли йиғилиши баённомасига асосан “Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖнинг 2020 йил учун ижроия органи раҳбари (бош директори) лавозимига Абдуллаев Хабиб Пулатович номзоди тасдиқланган..

Шу билан бирга, 2019 йил бизнес-режанинг асосий кўрсаткичлари бажарилганлигини инобатга олиб, Абдуллаев Хабиб Пулатович билан меҳнат шартномасини узайтириш мақсадга мувофиқ.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан қуйидагича **қарор қабул қилинди:**

9.1. “Навоий ЭИЗ Дирекцияси” АЖнинг 2020 йил учун ижроия органи рахбари (бош директори) лавозимига Абдуллаев Хабиб Пулатович номзоди тасдиқлансин.

9.2. Жамият бош директори Х.П.Абдуллаевни ишга ёллаш бўйича меҳнат шартномаси тузилганлиги ва меҳнат шартномасига Кузатов кенгаши номидан имзо қўйиш ваколати кенгаш аъзоси А.Асроровга берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Давлат активларини бошқариш
агентлиги директори
ўринбосари в.б.



Т. Набиев